

**ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ БЎЛИНМАЛАРИНИ БАЖАРАДИГАН ХИЗМАТ
ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Азамов Баходиржон Назирович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Магистратура
тингловчиси, подполковник*

Аннотация: Ушбу мақолада жамоат хавфсизлиги тушунчаси ҳамда уни таъминлаш бўйича Мудофаа вазирлиги бўлинмаларини бажарадиган хизмат вазифалари ва уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: жамоат хавфсизлиги, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий ҳаёт, Жамоат хавфсизлик концепсияси.

Аннотация: В данной статье говорится о понятии общественной безопасности и особенностях их применения и обязанностях, выполняемых подразделениями Министерства обороны по ее обеспечению.

Ключевые слова: общественная безопасность, обеспечение общественной безопасности, общественная жизнь, понятие общественной безопасности.

Annotation: This article talks about the concept of public security and the features of their application and the responsibilities performed by the units of the Ministry of Defense to ensure it.

Keywords: public safety, ensuring public safety, public life, the concept of public safety.

Хар бир давлатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш стратегик вазифа сифатида белгиланган. Мамлакатимизда ҳам бу масалада ўзига хос тизим ва ҳуқуқий механизм яратилган. Хусусан, 2021 йилнинг 29 ноябрь куни Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги

концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора- тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, 2022 – 2025 йилларда Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди. Стратегия мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиши ва самарали амалга оширишни ўз ичига олган.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясига мувофиқ:

жамоат хавфсизлиги – жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан (кейинги ўринларда – таҳдидлар) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қиласи ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш – давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий- иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб оловчи яхлит тизим. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг, хусусан унинг органларининг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган:

а) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни, давлат суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш;

б) қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш;

в) жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш, давлат обьектларини, ўта муҳим, тоифаланган обьектларни қўриқлаш ва бошқа шу каби асосий вазифаларни амалга оширишни назарда тутади.

Мазкур вазифалар биринчидан, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш; иккинчидан, хавфсиз бино, иншоат, тармоқ ва ҳудудларни барпо этиш; учинчидан, обьектив ва субъектив хусусиятга эга бўлган

ички ҳамда ташқи таҳдид ва тажовузларнинг олдини олиш, зарарсизлантириш, бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали таъминланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамоат жавфисизлигини таъминлашда хизмат вазифалари қўйидагилардан иборат бўлиши керак:

- жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятини ошириш асосида мамлакатда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш, давлат ва жамият бошқаруви тизими니 мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш;
- мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг фаол ва бунёдкор ролини, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;
- жамиятда миллатлараро ва динлараро муносабатларни, диний бағрикенглик маданиятини, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва гуманизмни ҳар томонлама мустаҳкамлаш;
- дунёда доимий равишда кечеётган ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ реал ҳамда эҳтимолий таҳдидлар шароитида жамиятнинг ўзлигини (тили, маданияти, ижтимоий тузилиши, миллий ўзига хослиги ва динини), яъни ўзини ўзи сақлаб қолиш қобилияти ва салоҳиятини мустаҳкамлаш асос бўлиб хизмат қиласи.

Жамоат хавфисизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши қурашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида

улар фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларини, айниқса таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини босқичма-босқич ташкил этилиши жамоат хавфсизлигини назарий-ҳуқуқий таъминлашга янгича ёндашувни талаб этади Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мустақиллик йилларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса Ҳаракатлар стратегиясига асосан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ “Хавфсиз туризм”, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз пойтахт”, “Одоб ва хавфсиз маҳалла” концепцияларининг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги, “минтақа хусусиятлари”, ягона “пойтахт томойили”, “хавфсиз таълим муассасаси” тамойиллари, “хавфсиз хонодон”, “хавфсиз ҳовли” тизими, “фуқаробай”, “оилабай”, “маҳаллабай” ишлаш тизимлари, “худуд методикаси” асосида ташкил этишнинг жорий этилаётганлиги мамлакатимизда аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини ҳамда жамиятда барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳукуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган маҳсус турни бўлган Миллий гвардия 2017 йил август ойида мамлакат Куролли Кучларининг мустақил қўшин тури сифатида ташкил этилди. 2020 йил 18 ноябрьда “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Шунингдек 2018 йил 1 июлдан уларнинг ички ишлар органлари билан ҳамкорликда, Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясига мувофиқ эса ўзларига бириктирилган обьект ва ҳудудларда жамоат тартиби ҳамда хавфсизлигини таъминлашдаги фаолияти босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда. Демак, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Мудофаа вазирлиги бўлинмаларидан бири бўлган Миллий гвардия бажарадиган хизмат вазифалари ва уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини қўйидагиларда кўриш мумкин:

а) ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида вужудга келадиган муносабатлар, шу жумладан барча тармоқ, тизим, обьект ва ҳудудларда хавфсизлик талаб ва

қоидаларини ўрнатиш, уларга риоя этишни таъминлаш жараёни, шунингдек уларни тўлиқ ва самарали тартибга солинмаслиги ёки амалга оширилмаслиги ҳамда таббий ва экологик жараёнлар натижаси(оқибати)да келиб чиқадиган таҳдид ва тажовузлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

б) ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш бўйича қонун ва бошқа норматив- ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, улар ижросини назорат қилиш, барча тармоқ, тизим, объект ва худдудларда хавфсизлик талаб ҳамда қоидаларини ўрнатиш, уларга риоя этишни йўлга қўйиш, шунингдек уларни тўлиқ ва самарали тартибга солинмаслиги ёки амалга оширилмаслиги ҳамда таббий ва экологик жараёнлар натижаси(оқибати)да келиб чиқадиган таҳдид ва тажовузларнинг олдини олиш, зарарсизлантириш, бартараф этиш, бу соҳада содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун айбдорларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш бўйича фаолият олиб борувчи ваколатли давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳамда иштирок этувчи фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

в) жамоат хавфсизлигини таъминлаш объектларининг ҳақиқий ҳолатини билиш бир томондан уларга таъсир этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи субъектлар таркибини, вазифа ва ваколатларини аниқлаштиришга, иккинчи томондан улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва бугунги кун талабларига жавоб бероладиган тизим яратиш истиқболларини белгилашга хизмат қиласди;

г) жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектлар тизими, вазифа ва ваколатларини, шунингдек фаолият йўналишларининг ҳақиқий ҳолатини билиш жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги бўшлиқ ва зиддиятларни баракаф этиш, барча соҳа, тизим, объект ва худдудларда хавфсизлик талаб ва қоидаларини, уларни ўрнатиш ҳамда уларга риоя этиш жараёнини, шунингдек мавжуд тажовуз ва таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, зарарсизлантириш, бартараф этиш, уларга қарши курашнинг ташкилий-ҳуқуқий

механизмларини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, “жамоат хавфсизлиги” тушунчасига оид илмий позицияларнинг таҳлили ва кўрсатилган белгилар “жамоат хавфсизлиги” деганда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини тўсқинликсиз рўёбга чиқаришни таъминлашга, потенциал ёки реал хавф туғдирувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг олдини олишга, маҳаллийлаштиришга ва бартараф этишга қаратилган ижтимоий муносабатларни етарли даражада ҳимоя қилиш ҳолати тушунилиши керак. Бу уларнинг мавжудлигига асос бўлиб хизмат қилади ҳамда умумий ва маҳсус ваколатли давлат органлари тизими ҳамда фуқаролар фаолияти натижасида эришилади. Шундай қилиб, хозирги кундаги дунёда ва мамлекатамизда ўзгаришлар, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олиб бораётган, бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётган ва буларнинг оқибати жамоат хавфсизлигига фавқулотда холатларда таҳдидни юзага келтираётган бир пайтда, халқ фаровонлиги йўлида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг шу жумладан Мудофаа вазирлиги бўлинмаларини бажарадиган хизмат вазифалари ва уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини бажаришда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар кўрилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлар ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги ПФ-27-сон фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги ЎРҚ-647-сон қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.03.2022 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-471-сон қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021й.
5. А.Ф. Жолдасов. Жамоат хавфсизлиги: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари.

ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:

1. <https://lex.uz>